

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ВАХОБОВА НИГИНА АНОРБЕКОВНА

**COVID-19 ФОНИДА РИВОЖЛАНГАН МАРКАЗИЙ АСАБ ТИЗИМИ
ЗАРАРЛАНИШИДА НЕЙРОМЕДИАТОР ТИЗИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ
БУЗИЛИШИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**03.00.01 – Биокимё
14.00.13 – Неврология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

УЎК: 616-022.7:616-06:616.831:616-092.12:616-079.2

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Вахобова Нигина Анорбековна

COVID-19 фонида ривожланган марказий асаб тизими

зарарланишида нейромедиатор тизимлари

фаолияти бузилишининг ахамияти..... 3

Вахобова Нигина Анорбековна

Роль нарушений нейромедиаторных систем в развитии

COVID-19 ассоциированных поражений

центральной нервной системы..... 23

Vakhobova Nigina Anorbekovna

The role of disorders of neurotransmitter systems in the development

of COVID-19 associated central nervous

system lesions..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ВАХОБОВА НИГИНА АНОРБЕКОВНА

**COVID-19 ФОНИДА РИВОЖЛАНГАН МАРКАЗИЙ АСАБ ТИЗИМИ
ЗАРАРЛАНИШИДА НЕЙРОМЕДИАТОР ТИЗИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ
БУЗИЛИШИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**03.00.01 – Биокимё
14.00.13 – Неврология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1846 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Иноятова Фируза Хидоятовна
биология фанлари доктори, профессор

Раҳматуллаева Гулнора Қутпитдиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хайбулина Зарина Руслановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Аликулова Нигора Абдукадировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б»-корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ж. Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли орасида SARS-CoV-2 ҳали ҳам кенг тарқалишда давом этаётганлиги сабабли, ҳар бир янги ёки такрорий инфицирланиш, ҳатто асимптоматик ёки енгил даражадаги инфекция ҳолатларида ҳам, жиддий узоқ муддатли неврологик асоратлар ривожланиш хавфи билан боғлиқ. Постковид синдромида чарчок, фикрлаш ва диққатни жамлашнинг қийинлиги, уйқу бузилиши, депрессия ва хавотир каби аломатлар ўртача 4-9 ой давом этади ва «...постковид синдромига чалинган ҳар 100 кишидан тахминан 15 тасида аломатлар 12 ойдан ортиқ муддатга чўзилади...»¹, бу эса беморларнинг меҳнат унумдорлиги ва ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келади. Шу сабабли постковид синдромини ўрганиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда COVID-19 узоқ муддатли асоратларининг ривожланиш механизмларини ўрганиш, COVID-19 ўтказган беморларда кечки неврологик бузилишларни эрта ташхислаш ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, постковид синдром билан оғриган беморларни даволаш тактикасини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада COVID-19 ўтказган беморларда нейротроп аутоантитаначалар профилини замонавий технологияларни қўллаган ҳолда ўрганиш, COVID-19дан кейинги кечки неврологик бузилишларни эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш самарадорлигини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, постковид синдром ривожланиш механизмини чуқур таҳлил қилиш асосида уни эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини оптималлаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, нейротроп аутоантитаначалар профилларини ўрганиш орқали COVID-19 билан боғлиқ марказий асаб тизимининг зарарланишларида нейромедиатор тизим бузилишларининг ролини аниқлаш, постковид синдроминанинг клиник-неврологик аломатлари билан нейроиммунологик ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

¹Global Burden of Disease Long COVID Collaborators, Wulf Hanson S, Abbafati C, et al. Estimated Global Proportions of Individuals With Persistent Fatigue, Cognitive, and Respiratory Symptom Clusters Following Symptomatic COVID-19 in 2020 and 2021. *JAMA*. 2022;328(16):1604-1615. doi:10.1001/jama.2022.18931.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 30 августдаги ПҚ-3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Постковид синдромнинг тарқалиши, доминант хавф омиллари, симптоматикаси, патогенези, постковид синдромда асаб тизими шикастланишининг молекуляр механизмлари ҳам хорижий, ҳам маҳаллий олимлар томонидан ўрганилмоқда, постковид узок муддатли асоратларни эрта ташхислаш ва прогнозлаш усуллари, шунингдек, ушбу патологияни даволашнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилмоқда. Эпидемиологик кузатувлар маълумотларига кўра, пандемиянинг дастлабки даврида COVID-19 билан касалланиб ўтганлар орасида постковид аломатларнинг тарқалиши 10-20% га етган, кейинги даврда эса SARS-CoV-2 нинг нисбатан хавфсизроқ штаммлари пайдо бўлиши билан касалланиш частотаси 6% гача камайди (Carod-Artal F.J., 2021; Wulf Hanson S., Abbafati C., 2022; O'Mahoney L.L., Routen A., 2023; Путилина М.В., Мутовина З.Ю., 2022). Аёл жинсига мансублик, кекса ёш, чекиш, ортикча тана вазни ёки семизлик, такрорий инфицирланиш, COVID-19 оғир кечиши ва касалхонада узок муддат даволаниш постковид синдроми ривожланишининг хавф омиллари сифатида кўрсатилган (Tsampasian V., Elghazaly H., 2023; Асфандиярова Н.С., 2021). Кўпчилик олимлар постковид синдромининг патогенези SARS-CoV-2нинг организмда узок муддатли персистенцияси, паст интенсивликдаги аутоиммун реакциялар, эндотелиал дисфункция, гемостаз тизимидаги бузилишлар, тизимли суст кечувчи яллиғланиш натижасида кўп аъзоларнинг зарарланишидан иборат деган фикрга тўхталишган (Davis H.E., McCorkell L., 2023; Guo Y., Zhang Y., 2023; Oronsky B., Larson C., 2023; Perumal R., Shunmugam L., 2023; Song W.J., Hui C.K.M., 2021; Благова О.В., Коган Е.А., 2021). Бир қанча тизимлар томонидан

клиник белгилар намоён бўлишига қарамай, беморларнинг аксариятида неврологик аломатлар устунлик қилади (Natarajan A., Shetty A., 2023; Theoharides T.C., Cholevas C., 2021; Renaud-Charest O., Lui L.M., 2021; Камчатнов П.Р., Черемин Р.А., 2022; Медведев В.Э., Фролова В.И., 2021; Евстифеева Е.А., Филиппченкова С.И., 2022; Трисветова Е.Л., 2022). Постковид даврининг клиник-функционал хусусиятлари ўрганилган (Лещенко И.В., Глушкова Т.В., 2022). Чуқурлаштирилган диспансеризацияда постковид симптомлар скринингини ўтказиш бўйича сўровнома ишлаб чиқилган (Чучалин А.Г., Аметов А.С., 2021). Бир қатор терапевтик ёндашувлар (Greenhalgh T., Knight M., 2020; Bonilla H., Peluso M.J., 2023; Есин Р.Г., Хайруллин И.З., 2022) ва профилактика чоралари таклиф этилган (Качковский М.А., 2021), реабилитация қилиш имкониятлари кўриб чиқилган (Бахарева О.Н., Бахарев С.А., 2021).

Ўзбекистонда COVID-19 билан боғлиқ неврологик асоратлар қатор олимлар томонидан ўрганилган (Гафуров Б.Г., Мамаджонова Т.Т., 2022; Туйчиев Л.Н., Рахимбаева Г.С., Газиева Ш.Р., Атаниязов М.К., 2021; Халимова Х.М., Матмуродов Р.Ж., 2023; Рахматуллаева Г.Қ., Якубова М.М., 2021; Рахимбаева Г.С., Шодиев У.Д., 2021; Маджидова Ё.Н., Ахмеджанова З.Б., 2023; Ахророва Ш.Б., Нуруллаев Н.Н., 2021; Усманова К.У., Абидова М.А., 2022; Хайдарова Д.К., Сафаров К.К., 2021; Эргашев А.Д., Ибодуллаев З.Р., 2021), бироқ, постковид синдромида нейроиммунологик ўзгаришлар, нейромедиатор тизимлари дисбаланси ўрганилмаган.

Шундай қилиб, адабиётлар таҳлили постковид неврологик асоратларнинг сезиларли даражада тарқалганлигини кўрсатади. Ушбу муаммо муҳим тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга. Асаб тизими касалликларини ташхислашнинг турли усуллари қўлланилишига қарамай, уларнинг самарадорлиги COVID-19дан кейинги кечки неврологик бузилишларни эрта ташхислашда пастлигича қолмоқда, бу эса амалиётга янги юқори самарали диагностик тестларни жорий этиш ва постковид неврологик бузилишларга хос бўлган асосий маркер молекулаларини аниқлаш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011800232 «Айрим патологик ҳолатларни ривожланиши ва уларни тузатишнинг молекуляр-хужайравий механизмлари» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 билан боғлиқ марказий асаб тизимининг зарарланишида нейромедиатор тизимлари фаолияти бузилишининг хусусиятларини аниқлаш, ҳамда постковид синдромининг клиник-неврологик белгилари билан нейроиммунологик ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 ўтказган инсонлар қон зардобида нейроспецифик оқсиллар: нейрофиламентар омил (NF-200), глиал фибрилляр кислотали оқсил (GFAP), S100 β оқсили, миелиннинг асосли оқсили (MBP) ва потенциалга боғлиқ

кальций каналлари оксигиға (VGCC) қарши IgG синфига мансуб нейротроп аутоантитаначаларнинг нисбий миқдорини аниқлаш;

COVID-19 ўтказган инсонларда ацетилхолин рецепторлари, глутамат рецепторлари, ГАМК рецепторлари, дофамин рецепторлари, серотонин рецепторлари, опиат μ -рецепторлари ва β -эндорфинга қарши IgG синфига мансуб аутоантитаначаларнинг қон зардобидаги нисбий миқдорини аниқлаш;

COVID-19 ўтказган беморларда неврологик бузилишларнинг клиник хусусиятларини аниқлаш, стандартлаштирилган сўровномалар асосида когнитив бузилишлар, хавотир ва депрессия, шунингдек, патологик чарчоқни баҳолаш;

COVID-19 ўтказган беморларда нейротроп аутоантитаначалар профилидаги ўзгаришлар характери ва клиник-неврологик аломатлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2024 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг маслаҳат поликлиникасида текширувдан ўтган COVID-19 ўтказган (COVID-19 ўткир босқичи бошланган вақтдан кейинги 12 ҳафтадан 12 ойгача бўлган даврда) ва COVID-19дан кейин узок муддатли аломатлари (постковид синдроми) бўлган 77 нафар беморлар, назорат гуруҳини COVID-19 ташхиси инкор қилинган (серонегатив, эмланмаган) 30 нафар соғлом инсонлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг клиник-неврологик ва нейропсихологик ҳолати хусусиятлари, беморлар периферик қон зардобининг иммунокимёвий кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик текширув, нейропсихологик тестлар («SAGE» (Self-Administered Gerocognitive Exam) тести, «HADS» (Hospital Anxiety and Depression Scale) шкаласи, «FAS» (Fatigue Assessment Scale) шкаласи), махсус тадқиқот усули – IgG синфига мансуб табиий нейротроп аутоантитаначалар профилининг иммунокимёвий таҳлили ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 ўтказган инсонларда нейроспецифик оксиллар (NF-200, GFAP, S100 β , MBP, VGCC)га қарши IgG синфига мансуб нейротроп аутоантитаначалар профилидаги ўзгаришлар фаол нейродегенератив жараёни эрта ташхислаш, постковид неврологик бузилишларнинг тикланиш даражасини прогнозлаш ва нейротроп терапияни танлашда аҳамиятли эканлиги асосланган;

COVID-19 ўтказган инсонларда ацетилхолин рецепторлари, глутамат рецепторлари, дофамин рецепторлари, серотонин рецепторлари, ГАМК рецепторлари, опиат μ -рецепторлари ва β -эндорфинга қарши IgG синфига мансуб нейротроп аутоантитаначалар профилидаги ўзгаришлар нейромедиатор тизимларни дисфункциясини аниқлаш ва нейромедиаторлар дисбалансининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал даволаш тактикасини танлашда аҳамиятли эканлиги асосланган;

COVID-19 ўтказган инсонларда когнитив бузилишлар ва анти-NF200 аутоантитаначаларнинг қон зардобидаги миқдорининг аномал ўзгариши, шунингдек, патологик чарчоқ ва ГАМК рецепторларига нисбатан аутоантитаначаларнинг қон зардобидаги миқдорининг аномал ўзгариши ўртасида сезиларли мусбат корреляцион боғлиқлик аниқланган;

коронавирус инфекциясининг кечки неврологик асоратларини эрта ташхислашда нейротроп аутоантитаначалар профилини текшириш усулининг юқори сезgirлиги (86%) исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўтказилган тадқиқотлар COVID-19 ўтказган шахсларда асаб тизимининг турли тузилмалари шикастланишининг нозик молекуляр механизмларини аниқлашга имкон берди, хусусан, постковид синдромида нейродегенератив жараён асосан аксонопатия ва реактив астроглиоз билан тавсифланиши аниқланган;

ўтказилган тадқиқотлар постковид синдромда нейротрансмиссия бузилишларининг хусусиятларини аниқлашга имкон берди, хусусан, патологик жараён асосан ГАМКергик, опиоид, серотонинергик нейромедиатор тизимларини қамраб олиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган анъанавий ва замонавий иммунокимёвий ва статистик усуллар асосида асаб тизими нейромедиатор тизими бузилишларини баҳолашнинг ўзига хослиги, олинган натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти IgG синфига мансуб нейротроп аутоантитаначалар профилини ўрганиш орқали COVID-19дан кейинги кечки неврологик асоратларни эрта ташхислаш ва башоратлаш имконияти исботланганлиги, COVID-19 билан боғлиқ марказий асаб тизимининг шикастланишларида нейротрансмиссия бузилишларининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти COVID-19 ўтказган инсонлар қонидаги IgG синфига мансуб нейротроп аутоантитаначалар профилини таҳлил қилиш коронавирус инфекциясининг кечки неврологик асоратларини энг эрта босқичда ташхислаш, беморда фаол субклиник нейродегенератив жараённинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш, клиник белгиларнинг қайтар нейродисфункция ёки/ва нейродеструктив жараён билан боғлиқлигини фарқлаш имконини беради, нейротрансмиттерлар дисбалансининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал превентив нейротроп терапия тактикасини асослаш ҳамда нисбатан оғир когнитив ва психо-эмоционал бузилишларнинг ривожланиш

хавфини камайтиришга йўналтирилган профилактик чораларни танлашга ёрдам берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID-19 билан боғлиқ марказий асаб тизимининг зарарланишида нейромедиатор тизимлари фаолияти бузилишининг хусусиятларини аниқлаш, ҳамда постковид синдромининг клиник-неврологик белгилари билан нейроиммунологик ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: COVID-19 ўтказган инсонларда нейроспецифик оксиллар (NF-200, GFAP, S100 β , MBP, VGCC)га қарши IgG синфига мансуб нейротроп аутоантитаначалар профилидаги ўзгаришлар фаол нейродегенератив жараёни эрта ташхислаш, постковид неврологик бузилишларнинг тикланиш даражасини прогнозлаш ва нейротроп терапияни танлашда аҳамиятли эканлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бошқармаси томонидан 2022 йил 21 ноябрда 8н-р/1305-сон билан тасдиқланган «COVID-19 билан асоцирланган марказий асаб тизими зарарланишини клиник-лаборатор ташхислаш» ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бошқармаси томонидан 2022 йил 24 ноябрда 8н-р/1373-сон билан тасдиқланган «Коронавирус инфекциясининг кечки неврологик асоратларини нейротроп аутоантитаначалар ёрдамида прогнозлаш» номли услубий тавсияномалари мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 1-сон оилавий поликлиникаси бўйича 14.10.2023 йилдаги 6-сон, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 2-сон оилавий поликлиникаси бўйича 03.01.2024 йилдаги 11-сон ҳамда Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 25.06.2024 йилдаги 7-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15 январдаги 11/09-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* жорий қилинган тадқиқот натижалари COVID-19 ўтказган инсонларда кечки неврологик асоратлар ривожланишини эрта ташхислаш ва прогнозлаш, шунингдек, нейродегенератив жараённинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда даволашни оптималлаштиришга йўналтирилган. Бундай ёндашув COVID-19 ўтказган инсонларнинг когнитив салоҳиятини сақлаб қолиш, руҳий-эмоционал ҳолатини яхшилаш, ақлий меҳнат самарадорлигини оширишга ёрдам беради, ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 312500 сўм бюджет маблағлари постковид синдромли беморларда ҳар бир алоҳида ҳолатда фаол нейродегенератив жараённинг мавжудлиги фактини аниқлаган ҳолда нейротроп терапияни асослаш орқали нисбатан оғирроқ асоратлар ривожланишининг олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: COVID-19 ўтказган инсонларда ацетилхолин рецепторлари, глутамат рецепторлари, дофамин рецепторлари, серотонин рецепторлари, ГАМК рецепторлари, опиат μ -рецепторлари ва β -эндорфинга қарши IgG синфига мансуб нейротроп аутоантитаначалар профилидаги

Ўзгаришлар нейромедиатор тизимларни дисфункциясини аниқлаш ва нейромедиаторлар дисбалансининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал даволаш тактикасини танлашда аҳамиятли эканлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бошқармаси томонидан 2022 йил 21 ноябрда 8н-р/1305-сон билан тасдиқланган «COVID-19 билан асоцирланган марказий асаб тизими зарарланишини клиник-лаборатор ташхислаш» ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бошқармаси томонидан 2022 йил 24 ноябрда 8н-р/1373-сон билан тасдиқланган «Коронавирус инфекциясининг кечки неврологик асоратларини нейротроп аутоантитаначалар ёрдамида прогнослаш» номли услубий тавсияномалари мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 1-сон оилавий поликлиникаси бўйича 14.10.2023 йилдаги 6-сон, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 2-сон оилавий поликлиникаси бўйича 03.01.2024 йилдаги 11-сон ҳамда Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 25.06.2024 йилдаги 7-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15 январдаги 11/09-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* жорий қилинган тадқиқот натижалари COVID-19 ўтказган инсонларда кечки неврологик асоратлар ривожланишини эрта ташхислаш ва прогнослаш, шунингдек, нейромедиатор тизимлари дисбаланси хусусиятини ҳисобга олган ҳолда даволашни оптималлаштиришга йўналтирилган. Бундай ёндашув COVID-19 ўтказган инсонларнинг когнитив салоҳиятини сақлаб қолиш, руҳий-эмоционал ҳолатини яхшилаш, ақлий меҳнат самарадорлигини оширишга ёрдам беради, ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 312500 сўм бюджет маблағлари постковид синдромли беморларда нейромедиаторлар дисбалансининг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда превентив даволаш тактикасини тўғри танлаш орқали янада оғирроқ асоратлар ривожланишининг олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: COVID-19 ўтказган инсонларда когнитив бузилишлар ва анти-NF200 аутоантитаначаларнинг қон зардобидидаги миқдорининг аномал ўзгариши, шунингдек, патологик чарчоқ ва ГАМК рецепторларига нисбатан аутоантитаначаларнинг қон зардобидидаги миқдорининг аномал ўзгариши ўртасида сезиларли мусбат корреляцион боғлиқлик аниқланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бошқармаси томонидан 2022 йил 21 ноябрда 8н-р/1305-сон билан тасдиқланган «COVID-19 билан асоцирланган марказий асаб тизими зарарланишини клиник-лаборатор ташхислаш» ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бошқармаси томонидан 2022 йил 24 ноябрда 8н-р/1373-сон билан тасдиқланган «Коронавирус инфекциясининг кечки неврологик асоратларини нейротроп аутоантитаначалар ёрдамида прогнослаш» номли услубий тавсияномалари мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 1-сон оилавий

поликлиникаси бўйича 14.10.2023 йилдаги 6-сон, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 2-сон оилавий поликлиникаси бўйича 03.01.2024 йилдаги 11-сон ҳамда Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 25.06.2024 йилдаги 7-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15 январдаги 11/09-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* жорий қилинган тадқиқот натижалари COVID-19 ўтказган инсонларда кечки неврологик асоратлар ривожланишини эрта ташхислаш ва прогнозлаш, шунингдек, даволашни оптималлаштиришга йўналтирилган. Бундай ёндашув COVID-19 ўтказган инсонларнинг когнитив салоҳиятини сақлаб қолиш, рухий-эмоционал ҳолатини яхшилаш, ақлий меҳнат самарадорлигини оширишга ёрдам беради, ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 312500 сўм бюджет маблағлари COVID-19 ўтказган инсонларда клиник ва иммунологик ўзгаришлар ўртасида аниқланган боғлиқликларга асосланиб ушбу клиник симптомларнинг тикланиш даражасини уларнинг қайтар нейродисфункция ёки нейродеструктив жараён туфайли келиб чиққанлигига қараб прогнозлаш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: коронавирус инфекциясининг кечки неврологик асоратларини эрта ташхислашда нейротроп аутоантитаначалар профилини текшириш усулининг юқори сезгирлиги (86%) исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бошқармаси томонидан 2022 йил 21 ноябрда 8н-р/1305-сон билан тасдиқланган «COVID-19 билан ассоцирланган марказий асаб тизими зарарланишини клиник-лаборатор ташхислаш» ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бошқармаси томонидан 2022 йил 24 ноябрда 8н-р/1373-сон билан тасдиқланган «Коронавирус инфекциясининг кечки неврологик асоратларини нейротроп аутоантитаначалар ёрдамида прогнозлаш» номли услубий тавсияномалари мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 1-сон оилавий поликлиникаси бўйича 14.10.2023 йилдаги 6-сон, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 2-сон оилавий поликлиникаси бўйича 03.01.2024 йилдаги 11-сон ҳамда Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 25.06.2024 йилдаги 7-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15 январдаги 11/09-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* жорий қилинган тадқиқот натижалари COVID-19 ўтказган инсонларда кечки неврологик асоратлар ривожланишини эрта ташхислаш ва прогнозлаш, шунингдек, даволашни оптималлаштиришга йўналтирилган. Бундай ёндашув COVID-19 ўтказган инсонларнинг когнитив салоҳиятини сақлаб қолиш, рухий-эмоционал ҳолатини яхшилаш, ақлий меҳнат самарадорлигини оширишга ёрдам беради, ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 312500 сўм бюджет маблағлари нейротроп аутоантитаначалар профилларини таҳлил қилиш орқали коронавирус

инфекциясининг кечки неврологик асоратларини эрта ташхислаш, ҳамда оғирроқ даражадаги когнитив ва руҳий-эмоционал бузилишлар ривожланиш хавфини камайтириш учун профилактика чораларини тўғри танлаш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**COVID-19 кечки неврологик асоратларини эрта ташхислаш имкониятлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган **биринчи бобида** COVID-19 билан боғлиқ неврологик бузилишларни иммунокимёвий ташхислаш бўйича илмий маълумотлар келтирилган, постковид неврологик асоратлар ривожланишининг патогенетик механизмларини очиқ бериш бўйича ўрганилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Келтирилган барча адабиёт маълумотлари умумлаштирилган, тизимлаштирилган, ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар кўриб чиқилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ушбу муаммо бўйича ҳал қилинмаган вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган **иккинчи бобида** ўрганилаётган материал ва қўлланилган тадқиқот усуллари умумий тавсифи берилган. Тадқиқот замонавий иммунокимёвий ва нейропсихологик усулларга асосланган. Тадқиқот 2021-2024 йилларда Тошкент тиббиёт академияси маслаҳат поликлиникаси ва кўп тармоқли клиникасининг неврология бўлимида ўтказилди. Иммунокимёвий текширувлар Тошкент шаҳридаги «Medical care service» клиник-диагностика лабораториясида «Иммункулус» (Москва, РФ)

тиббий тадқиқот маркази ходимларининг масофадан маслаҳатлашуви остида ўтказилди.

Жами 21 ёшдан 74 ёшгача бўлган 107 нафар катта ёшли беморлар текширилди. Асосий гуруҳни анамнезида COVID-19 ўтказган (COVID-19 ўткир босқичи бошланганидан 12 ҳафтадан 12 ойгача бўлган даврда) ва COVID-19дан кейин узоқ муддатли аломатларга эга бўлган (постковид синдроми бўлган) 77 нафар бемор ташкил этди. Назорат гуруҳини аввал COVID-19 ташхиси қўйилмаган ва COVID-19 га қарши эмланмаган (серонегатив) 30 нафар соғлом инсонлар ташкил этди.

Асосий гуруҳда беморларнинг ўртача ёши $37,4 \pm 1,7$ ёшни, назорат гуруҳида $36,2 \pm 1,3$ ёшни ташкил этди. Беморларни ёши бўйича тақсимлаш ЖССТ (2023) бўйича амалга оширилди. Асосий гуруҳдаги беморлар учта ёш гуруҳига мансуб эди: ёшлар (18-44 ёш) – 57та (74,0%), ўрта ёшлилар (45-59 ёш) – 11та (14,3%) ва кекса ёшдагилар (60-74 ёш) – 9та (11,7%).

Асосий гуруҳда эркаклар 32 нафарни (41,6%, ўртача ёш – $35,2 \pm 2,6$), аёллар эса 45 нафарни (58,4%, ўртача ёш – $38,9 \pm 2,1$) ташкил этди. Назорат гуруҳида эркаклар 12 нафарни (40%), аёллар 18 нафарни (60%) ташкил этди. Текширилган постковид синдромли беморларнинг ёшига қараб жинсини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ёш эркаклар ва аёллар мос равишда 25та (32,5%) ва 32та (41,5%), ўрта ёшлилар – 4та (5,2%) ва 7та (9,1%), кексалар – 3та (3,9%) ва 6та (7,8%) эди.

COVID-19 ташхиси SARS-CoV-2 га ижобий лаборатория тести (бурун-ҳалқум ва оғиз-ҳалқумдан олинган суртма бўйича) ва/ёки компьютер томографияси (КТ) текшируви натижаларига кўра вирусли пневмония белгилари асосида қўйилган. Ўтказилган COVID-19 нинг оғирлик даражаси КТ натижалари бўйича ўпканинг шикастланиш фоизи асосида аниқланган: КТ-1 (25% гача), КТ-2 (50% гача), КТ-3 (75% гача), КТ-4 (75% ва ундан ортиқ). Асосий гуруҳдаги беморларнинг 45,4% COVID-19нинг ўткир босқичини енгил шаклда ўтказган ва 48,1% беморлар COVID-19нинг ўткир босқичини ўртача оғирликда ўтказган.

Тадқиқот натижаларининг ишончли бўлиши учун қўшимча истисно мезонларига риоя қилинди: а) ўткир цереброваскуляр касалликлар, ўткир энцефалит ва энцефаломиелит, ўткир демиелинизацияловчи жараёнлар, нейродегенератив касалликларнинг бошланиши, тутқаноқ синдроми каби COVID-19 неврологик асоратлари бўлган беморлар; б) COVID-19 дан олдин неврологик ва руҳий бузилишларнинг мавжудлиги; в) асаб тизимига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўткир ва сурункали соматик ва эндокрин касалликларнинг анамнезда ўтказилганлиги ёки ҳозирда мавжудлиги; г) текширув даврида хансираш мавжудлиги; д) тадқиқот вақтида кортикостероидлар, антигистамин, диуретик, уйқу дори воситалари билан даволаниш.

Клиник текширув умумий қабул қилинган усул бўйича ўтказилди. Текширув давомида барча беморларнинг шикоятлари, анамнези батафсил тўпланди, COVID-19 ўткир даврининг кечиши ва ковиддан кейинги даврнинг

ўзига хос хусусиятлари ретроспектив таҳлил қилинди, неврологик ва умумий соматик ҳолат баҳоланди. Барча беморларнинг нейрпсихологик тавсифи ягона сўровномага бирлаштирилган «SAGE» тести, «HADS» шкаласи ва «FAS» шкаласи бўйича баҳоланди. «SAGE» (Self-Administered Gerocognitive Exam) тести когнитив бузилишларни аниқлаш учун, «HADS» (Hospital Anxiety and Depression Scale) шкаласи депрессия ва хавотирни аниқлаш учун, «FAS» (Fatigue Assessment Scale) чарчокни баҳолаш учун ишлатилади.

Асосий гуруҳдаги 29 беморда (ўртача ёши $38,2 \pm 2,7$ ёш, эркаклар 48,3%, аёллар 51,7%) нейротроп аутоантитаначаларнинг зардобдаги нисбий миқдорлари таҳлил қилинди. Назорат гуруҳи сифатида иммунокимёвий таҳлил учун пандемиядан олдинги даврда «Иммункулус» тиббий тадқиқот марказида профилактик мақсадда текширилган 100 нафар амалий соғлом инсонлар (ўртача ёши $32,9 \pm 9$ ёш) қон зардоби намуналарида аниқланган нейротроп аутоантитаначалар профиллари олинди (В.А.Орлова, И.И.Михайлова, В.Л.Минутко, А.В.Симонова, 2015 // Социальная и клиническая психиатрия, т.25 №4, 47-бет, жадвал №1). Параллел равишда иммунофермент анализаторида «ЭЛИ-Нейро-Тест» усули ёрдамида, худди шу номли «Иммункулус» тиббий тадқиқот марказида ишлаб чиқарилган таҳлил-тўпламидан фойдаланиб (Москва, Россия Федерацияси, рег. уд. № ФСР 2009/04554, 23.03.2009й.) IgG синфига мансуб 12 турдаги нейротроп аутоантитаначаларнинг қон зардобдаги миқдорлари текширилди. Тадқиқотлар ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига мувофиқ қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил (ИФА) усулини қўллаган ҳолда ўтказилди. «ЭЛИ-Нейро-Тест» усули ёрдамида асаб тизимининг 12 та аутоантигенларига: нейрофиламентар омил (NF200), глиал фибрилляр кислотали оқсил (GFAP), S100 оқсили, миелиннинг асосли оқсили (MBP), вольтажга боғлиқ кальций каналлари оқсили (VGCC), Н-холинорецепторлар (Chol-R), глутамат рецепторлари (Glu-R), ГАМК рецепторлари (GABA-R), дофамин рецепторлари (DA-R), серотонин рецепторлари (5-HT-R), опиат μ -рецепторлари (μ -OR) ва β -эндорфин (β -end)га қарши йўналтирилган IgG синфига мансуб нейротроп аутоантитаначаларнинг индивидуал профиллари текширилди. Олинган маълумотлар статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «COVID-19 ўтказган беморларда нейротроп аутоантитаначалар профилларини таҳлил қилиш натижалари» деб номланган **учинчи бобида** иммунокимёвий тадқиқотлар натижалари келтирилган, нейротроп аутоантитаначалар профилларини текшириш натижаларини талқин қилишнинг хусусиятлари, усулнинг диагностик афзалликлари, шунингдек, постковид синдромли беморлар иммунограммасининг ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилинган.

Бизнинг тадқиқотимизда постковид синдромли беморлардан олиб текширилган 29 та қон зардоби намуналаридан фақат 4 тасида (13,8%) нейротроп аутоантитаначаларнинг нормал профили мавжуд эди. Ўрганилган намуналарнинг аксарияти – 25 (86,2%) нейротроп аутоантитаначаларнинг патологик профилларини намоён қилди (1-жадвал).


Иммунокимёвий таҳлил натижалари

Нейротроп аутоантитаначалар профиллари характери:	Асосий гуруҳ, n=29	Назорат гуруҳи, n=100
Нормал	13,8%	
Патологик, хусусан қуйидаги ўзгаришлар топилди:	86,2%	
ГАМКергик тизимдаги ўзгаришлар	58,62%	1%
опиат тизимидаги ўзгаришлар	37,93%	-
астроцитар глиоз белгилари (анти-GFAP)	24,14%	3%
аксонопатия белгилари (анти-NF200)	20,69%	3%
серотонинергик тизимдаги ўзгаришлар	20,69%	3%
холинергик тизимдаги ўзгаришлар	13,8%	5%
миелинга қарши жараён (анти-MBP)	10,34%	0%
NMDA-рецепторлар тизимидаги, глутаматергик тизимдаги ўзгаришлар	6,9%	2%
нерв-мушак контактлари тизимидаги ўзгаришлар (анти-VGCC)	3,45%	4%
дофаминергик тизимдаги ўзгаришлар	3,45%	2%
ОПВ инфекцияси билан боғлиқ эмоционал ҳолат регуляцияси бузилиши белгилари (анти-S100)	3,45%	5%


ГАМКергик тизим дисфункциясини акс эттирувчи патологик иммунологик ўзгаришлар энг кўп (58,6% ҳолатларда) кузатилди. Шунингдек, COVID-19 ўтказган беморларда опиоид (37,9% ҳолатларда), серотонинергик (20,7% ҳолатларда), холинергик (13,8% ҳолатларда) нейромедиатор тизимлар зарарланишининг нейроиммунологик белгилари, аксонал зарарланиш (20,7% ҳолатларда), демиелинизация (10,3% ҳолатларда) ва реактив астроглиоз (24,1% ҳолатларда) маркерлари аниқланди.

Аёллар қон зардобининг 14та (93,3%) ва эркеклар қон зардобининг 11та (78,6%) текширилган намуналарида нейротроп аутоантитаналарнинг патологик профиллари намоён бўлди. Аёллар орасида асаб тизимининг қуйидаги аутоантигенлари: NF200, серотонин рецепторлари ва Н-холинорецепторларга нисбатан юқори иммунореактивлик сезиларли даражада кўпроқ учради.

Нейротроп аутоантитаначаларнинг патологик профиллари аниқланган 25 та қон зардоби намуналаридан 12 таси (41,4%) нейродисфункционал характердаги патологик жараён белгиларини намоён қилди ва 13 таси (44,8%) фаол нейродеструктив жараён мавжудлигини кўрсатди (1- ва 2-расмлар).



1-расм. Постковид синдромли беморларда ЭЛИ-Нейро-Тест текшируви натижалари.




2-расм. Постковид синдромли беморларда патологик жараён табиатига боғлиқ ҳолда нейротроп аутоантитаначаларнинг зардобдаги нисбий миқдорлари патологик силжишларининг учраш частоталари.

COVID-19нинг ўткир босқичини енгил шаклда ўтказган беморлар орасида (n=13) нейротроп аутоантитаначаларнинг нормал профиллари частотаси 23,1%, аномал ўзгарган профиллар частотаси эса 76,9% ни ташкил этди, улардан патологик жараённинг табиати бўйича иммунограммалар

46,2% ҳолларда нейродисфункционал жараённи акс эттирди ва 30,8% ҳолларда нейродеструктив жараён мавжудлигини кўрсатди.

COVID-19нинг ўткир босқичини ўрта оғирликда ўтказган беморлар орасида (n=15) нейротроп аутоантитаналарнинг нормал профиллари частотаси атиги 6,7% ни, аномал ўзгарган профиллар частотаси эса 93,3% ни ташкил этди, улар орасида патологик жараённинг табиати бўйича иммунограммалар 40% ҳолларда нейродисфункционал жараён белгиларини ва 53,3% ҳолларда фаол нейродеструктив жараён кечаётганлиги белгиларини кўрсатди.

Ўтказилган COVID-19 ўткир босқичининг оғирлик даражасига қараб нейротроп аутоантитаналарнинг бутун спектри бўйича қон зардобидаги нисбий миқдорларининг патологик силжишлари учраш частотаси 3-расмда келтирилган.




3-расм. COVID-19 ўткир босқичининг оғирлик даражасига қараб нейротроп аутоантитаналарнинг бутун спектри бўйича аномал ўзгаришларнинг учраш частоталари.

Диссертациянинг «Постковид синдромли беморларнинг клиник-неврологик ва нейропсихологик тавсифи, клиник ва нейроиммунологик кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги» деб номланган тўртинчи бобда постковид синдромли беморларни клиник-неврологик ва нейропсихологик текшириш натижалари, клиник-неврологик ва нейроиммунологик

ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлиги, юқори эҳтимолий патогенетик механизмлар ва уларнинг муҳокамаси келтирилган.

Асосий гуруҳдаги постковид синдромли беморлар кўпинча умумий ҳолсизлик ва тез чарчаш (64,9% ҳолларда), бош оғриғи (41,6% ҳолларда), тушкун кайфият ва хавотир (мос равишда 32,5% ва 18,2% ҳолларда), диққатнинг сустлиги ва хотиранинг пасайиши (31,2% ҳолларда), хид ва таъм сезишнинг бузилиши (28,6% ва 10,4% ҳолларда), мушаклардаги оғриқлар (23,4% ҳолларда), уйқу бузилиши (22,1% ҳолларда), оёқ-қўллар увишиши (19,5% ҳолларда), тик турган ҳолатда юзага келадиган бош айланишига (19,5% ҳолларда) шикоят қилишди.



4-расм. COVID-19 ўткир даврining оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда COVID-19дан кейинги даврда симптомларнинг учраш частоталари.

